

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
СТАТИСТИКА ВА ТАДҚИҚОТЛАР ДЕПАРТАМЕНТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АҲОЛИСИНИНГ БАНК КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА  
ҚАРЗ ЮКИ ТАҲЛИЛИ**

ТОШКЕНТ  
2019 ЙИЛ

## Мундарижа

I. Резюме.....	3
II. Аҳолининг кредит мажбуриятлари динамикаси .....	8
2.1. Аҳолининг кредит мажбуриятлари таркиби.....	9
2.2. Ҳудудлар кесимида аҳоли кредит мажбуриятларининг ўсиши.....	11
2.3. Ажратилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари ва сўндириш муддатлари.....	14
2.4. Аҳолининг кредит хизматларидан фойдаланиш даражаси .....	16
III. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки таҳлили .....	18
3.1. Кредит юкини макроиқтисодий баҳолаш натижалари .....	18
3.2. Кредит юкини ихтиёрий танлаб олинган кредит шартномалари бўйича баҳолаш натижалари.....	27
3.2.1. Таҳлил қилинаётган кредит шартномалари бўйича маълумот.....	27
3.2.2. Ихтиёрий танлаб олинган кредит шартномалари бўйича кредит юки даражаси таҳлили .....	30
IV. Халқаро амалиётда аҳоли кредит юки ўсишини тартибга солишда қўлланиладиган макропруденциал инструментлар .....	35
V. Хулоса ва таклифлар .....	39

## I. Резюме

Тижорат банклари кредитлари аҳолига уй-жой ва бошқа узоқ муддат давомида фойдаланиладиган нисбатан юқори қийматли мол-мулкни харид қилиш, таълим олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, шунингдек, жорий даромад ҳажмидан катта бўлган харажатларни амалга ошириш, зарур ҳолларда оила ёки шахсий молиявий ҳолатда юзага келиши мумкин бўлган маблағ етишмовчилиги ҳолатларини бартараф қилиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, банк кредитлари аҳолига ўз харажатларини ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун режалаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратади ҳамда шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилувчи муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, аҳолини кредитлашнинг ўсиши билан боғлиқ муайян хатарлар мавжуд бўлиб, энг аввало аҳоли кредит юкининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши, яъни аҳолининг ўз даромадининг кредит мажбуриятларини сўндиришга йўналтирадиган қисмининг сезиларли даражада ортиб бориши ёки етарлича даромадга эга бўлмаслиги натижасида кредитларни қайтаришда жиддий муаммоларнинг юзага келишида ўз аксини топади.

Бундай муаммоли ҳолатнинг юзага келиши, ўз навбатида, банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келиши халқаро тажрибада ўз тасдиғини топган.

Бугунги кунда халқаро миқёсда аҳоли кредит юкининг жадал суръатларда ўсиб бораётганлиги кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа МДҲ давлатларида долзарб масалага айланиб, марказий банклар ва ҳукуматлар томонидан мазкур масалани доимий равишда таҳлил қилиб бориш ва зарур макропруденциал чораларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнги даврларда, яъни 2018 йил ва 2019 йилнинг I ярим йиллигида давлат дастурлари доирасида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш кўламининг сезиларли даражада кенгайтирилиши, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажмининг

оширилиши ҳамда тижорат банклари томонидан чакана банк хизматларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида жисмоний шахсларнинг банк кредитлари бўйича мажбуриятларининг жадал ошиши кузатилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, республика аҳолисининг банк кредитлари бўйича қарз юкини баҳолаш, шу жумладан республика ҳудудлари ва кредит турлари кесимида баҳолаш ҳамда хатарли ҳолатлар аниқланган ҳолатда уларни бартараф этиш (таъсирини пасайтириш) юзасидан банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тақазо қилади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот иши доирасида республикаимиз аҳолисининг кредит мажбуриятлари бўйича қарз юки халқаро амалиётда қўлланиладиган ёндашувлар асосида, макро ва микро тадқиқот ёндашувларини қўллаган ҳолда баҳоланди. Бунда, кредит юки макро ёндашув асосида тижорат банклари кредит портфелидаги аҳолига ажратилган барча кредитлар бўйича кредит тўловига оид маълумотлар, аҳолининг даромадлари юзасидан республика бўйича умумлаштирилган маълумотлар ва бошқа макроиқтисодий статистика маълумотларидан фойдаланилди.

Аҳоли кредит юкини микро тадқиқот ёндашуви асосида баҳолашда, кредит юки даражасини янада аниқроқ баҳолаш мақсадида мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган барча тижорат банклари филиаллари томонидан **2018 йил** ва **2019 йил**нинг дастлабки **6 ойи** мобайнида аҳолига ажратилган кредитлар бўйича жами **150 мингдан** ортиқ кредит шартномалари бўйича маълумотлар ўрганилди. Шундан, **47,5 фоизини** истеъмол кредитлари, **25,8 фоизини** микроқарзлар, **15,7 фоизини** автокредитлар ҳамда **11 фоизини** ипотека кредитлари ташкил қилади.

Бунда, юқоридаги икки ёндашув доирасида аҳолига бошқа мақсадлар учун ажратилган кредитлар, уларнинг асосий қисмини доимий (расмий) даромадга эга бўлмаган шахсларга ажратилган “Ҳар бир оила тадбиркор” ва бошқа аҳолининг тадбиркорлигини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ажратилган кредитлар ташкил қилиши ҳамда бундай кредитлар бўйича кредит юкини баҳолаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, қамраб олинмаган.

Мазкур тадқиқот доирасида олинган натижалар, айти вақтда республикамизда аҳоли банк кредитлари бўйича қарз юки кўрсаткичлари халқаро амалиётда тавсия қилинган меъёрий кўрсаткичлардан пастлигини ҳамда аҳолининг кредит мажбуриятлари ўсиши билан боғлиқ хатарлар, умуман олганда, мўтадил даражада шаклланганлигини кўрсатди.

Хусусан, аҳоли кредит юкининг макро даражадаги, яъни республика бўйича умумлаштирилган маълумотлар асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар 2019 йилнинг I ярим йиллигида халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган кредит юки кўрсаткичлари:

– Кредит тўловининг даромадга нисбати (Payment-to-income ratio) кўрсаткичининг республика аҳолисининг кредит мажбуриятлари бўйича **34,7 фоизни** (тавсия қилинган чегаравий меъёр – 50 фоиз);

– Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (Debt-Service-Ratio) **9,6 фоизни** (чегаравий меъёр – 20-25 фоиз);

– Қарз мажбуриятларининг ЯИМга нисбати (Debt-to-GDP) кўрсаткичи **6,9 фоизни** (чегаравий меъёр – 60 фоиз) ташкил қилган ҳолда халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрлардан ҳамда бошқа кўплаб ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан аксарият МДҲ давлатларида шаклланган аҳоли кредит юки кўрсаткичларидан анча паст шаклланган.

Республикамизда аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юкининг бундай нисбатан паст шаклланганлиги асосан тижорат банкларининг кредит хизматларидан фойдаланаётган аҳоли улушининг бошқа ривожланаётган давлатларидагидан анча камлиги билан изоҳланади. Хусусан, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига республикамизда кредит мажбурияти мавжуд жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига улуши **13,1 фоизни** ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич Россияда 55,5 фоизни, Қозоғистонда 55 фоизни, Грузияда 70 фоизни ва Беларусда 75,8 фоизни ташкил этади.

Республика аҳолисининг кредит юки нисбатан паст даражада шаклланган бўлсада, унинг жадал ошиб бораётганлиги хатарли ҳолат ҳисобланади. Хусусан, Кредит тўловининг даромадга нисбати (Payment-to-income ratio) кўрсаткичи бўйича аҳоли кредит юки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада – **5,3 фоиз** бандга ошган.

Шунингдек, кредит юкини микро даражада – ихтиёрий танлаб олинган кредит шартномалари асосида баҳолаш натижалари ҳам, умуман олганда кредит юки чегаравий меъёрдан (50 фоиз) паст шаклланганлигини кўрсатган бўлсада, **аҳоли кредит юкининг ўсиши ҳамда айрим кредит турлари бўйича қарз юкининг халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрдан анча юқори шаклланганлиги** билан боғлиқ муайян хатарларнинг мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, мазкур таҳлил доирасида кўриб чиқилган жами кредит шартномаларининг **35,3** фоизида, шу жумладан автокредит шартномаларининг **67,3** фоизида, ипотека кредит шартномаларининг **55,4** фоизида, микроқарз шартномаларининг **36,7** фоизида ва истеъмол кредити шартномаларининг **24,8** фоизида кредит юки **чегаравий меъёрдан юқорилиги** аниқланди (1-жадвал).

Ҳудудлар кесимида ўрганилганида, кредит юки чегаравий меъёрдан юқори бўлган кредит шартномалари улуши Қашқадарё (61,7 фоиз), Андижон (52 фоиз), Сирдарё (49,3 фоиз) Жиззах (44,1 фоиз) ва Сурхондарё (40 фоиз) вилоятларида айниқса юқори шаклланган.

Бунда, автокредит ва ипотека шартномалари бўйича кредит объекти ҳисобланган мол-мулклар бир вақтнинг ўзида гаров таъминоти сифатида қабул қилиниши кредит хатарини пасайтириш омили бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилаётган бўлсада, аслида кредит тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишининг асосий манбаси кредит олган шахсларнинг даромади ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бундай кредитлар бўйича кредит юкининг чегаравий меъёрдан сезиларли даражада юқори бўлиши кредит хатарининг ошишига олиб келади.

Шунингдек, халқаро тажрибадан маълумки, юқоридаги ҳолат банк тизими молиявий барқарорлигининг гаров таъминоти сифатида қабул қилинган кредит объекти ҳисобланган турар-жой ва бошқа активлар бозор нархи ўзгаришига (кескин тушиб кетишига) таъсирчанлигини оширади.

Шу сабабли, чакана банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари сезиларли даражада ошган ва нисбатан юқори даражада сақланиб қолаётган шароитда етарли даражадаги даромадга эга бўлмасдан, кредитга олинаётган мол-мулкни гаровга қўйиб, кредит олиш

ҳолатларининг ортиб бораётганлиги айниқса хатарли ҳолат ҳисобланади.

Бу эса, аҳолининг уй-жой, автотранспорт воситалари ва бошқа узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товар ва жиҳозларга талаби юқори даражада сақланиб турган шароитда, тегишли макропруденциал чора-тадбирлар жорий қилинмаган тақдирда, келгусида аҳоли кредит юки ўсиши билан боғлиқ хатарлар янада кучайиб бориши мумкинлигини билдиради.

Шундан келиб чиқиб, республикада аҳоли кредит юки ўсишини тартибга солиш ва тегишли кредит хатарларини камайтириш мақсадида бугунги кунда халқаро миқёсда марказий банклар томонидан кенг қўлланилаётган, бироқ мамлакатимизда жорий қилинмаган, юқори самарали макропруденциал инструментлар – Кредит миқдорининг сотиб олинаётган актив қийматига нисбати (Loan-to-value ratio) ҳамда Кредит тўловининг даромадга нисбати (Payment-to-income ratio) кўрсаткичлари бўйича меъёрий чекловлар жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## II. Аҳолининг кредит мажбуриятлари динамикаси

2019 йил 1 июль ҳолатига республика аҳолисининг банк кредитлари бўйича жами мажбуриятлари қолдиғи **33** трлн. сўмни ташкил қилган бўлиб, йил бошига нисбатан **35,1** фоизга (2018 йилнинг I ярим йиллиги мобайнидаги ўсиш - 27,0 фоиз), ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса қарийб **2** баробарга ошган (2018 йилнинг I ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш - 38,5 фоиз).

2019 йил 1 июль ҳолатига республика аҳолисининг банк кредитлари бўйича жами мажбуриятлари қолдиғи (оилавий тадбиркорликка ажратилган кредитларни ҳисобга олмаганда) йил бошига нисбатан **29,7** фоизга, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса қарийб **1,9** баробарга ошган.

Аҳолининг банк кредитлари бўйича жами мажбуриятларининг бундай кескин ўсиши асосан кредит олган фуқаролар сонининг ошиши билан боғлиқ бўлиб, кредит қарздорлиги мавжуд бўлган жисмоний шахслар сони 2019 йил 1 июль ҳолатига **1 935** мингтани ташкил этган ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга** ортган (1-диаграмма).

Бунда, кредит қарздорлиги мавжуд бўлган жисмоний шахслар сони оилавий тадбиркорликка ажратилган кредитларни ҳисобга олмаганда 2,5 баробарга, микроқарзлар ҳисобга олинмаганда эса 1,7 баробарга кўпайган.

**1-диаграмма: Аҳолига ажратилган банк кредитлари қолдиғи ва қарздорлиги мавжуд жисмоний шахслар сони динамикаси, млрд.сўмда**






2019 йилнинг I ярим йиллиги давомида аҳолига янги ажратилган кредитлар ҳажми 2018 йилнинг мос давридаги **5,4** трлн. сўмдан **13** трлн. сўмгача ёки **2,4** баробарга кўпайган бўлиб, янги ажратилган кредитлар сони эса **345,2** мингтадан **839,7** мингтагача (**2,4 баробарга**) ошган.

## 2.1. Аҳолининг кредит мажбуриятлари таркиби

2019 йил 1 июль ҳолатига аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи таркибида ипотека кредитлари **48,1** фоизни (*2018 йил 1 июль ҳолатига – 61 фоиз*), истеъмол кредитлари **18,2** фоизни (*17 фоиз*), автокредитлар **13,7** фоизни (*9,6 фоиз*), микроқарзлар **7,9** фоизни (*0,05 фоиз*) ва бошқа кредитлар **12,0** фоизни (*12 фоиз*) ташкил этган (*2-диаграмма*).

**2-диаграмма: Аҳолига ажратилган кредит турларининг умумий кредит қолдиғидаги улуши**



Бунда, **ипотека кредитлари** қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **51,0** фоизга (*2018 йилнинг I ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш - 21,9 фоиз*) ёки **10,5** трлн. сўмдан **15,9** трлн. сўмгача ошган бўлиб, ушбу кредит тури бўйича қарздорлиги мавжуд жисмоний шахслар сони **120** мингтадан **164** мингтагача ёки

**37,1** фоизга (2018 йилнинг I ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш - 12,2 фоиз) кўпайган (1-жадвал).

**Истеъмол кредитлари** қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2** баробарга (2018 йилнинг I ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш – 2 баробар) ёки **2,9** трлн. сўмдан **6,0** трлн. сўмгача ошган бўлиб, мазкур кредит тури бўйича қарздорлиги мавжуд жисмоний шахслар сони 2018 йил 1 июль ҳолатига нисбатан **74,1** фоизга ёки **352** мингтадан **613** мингтагача ошган (2018 йилнинг I ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш - 12,2 фоиз).

**1-жадвал: Кредит турлари бўйича жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи ва қарздорлар сони**

Кўрсаткич номи	01.07.2017	01.07.2018	01.07.2019	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши, фоизда	
				01.07.2018	01.07.2019
<b>Жами кредитлар қолдиғи, млрд.сўм</b>	<b>12 476</b>	<b>17 271</b>	<b>33 012</b>	<b>38,4</b>	<b>91,2</b>
Қарздорлар сони (минг дона)	772	896	1 935	16,1	2 б.
шу жумладан:	х	х	х	х	х
<b>Ипотека кредитлари</b>	<b>8 635</b>	<b>10 503</b>	<b>15 876</b>	<b>23,9</b>	<b>48,3</b>
қарздорлар сони (минг киши)	107	120	164	12,2	37,1
<b>Истеъмол кредитлари</b>	<b>1 362</b>	<b>2 942</b>	<b>6 010</b>	<b>2 б.</b>	<b>2 б.</b>
қарздорлар сони (минг киши)	283	352	613	24,4	74,2
<b>Автокредитлар</b>	<b>236</b>	<b>1 650</b>	<b>4 519</b>	<b>7 б.</b>	<b>2,7 б.</b>
қарздорлар сони (минг киши)	7	29	85	4 б.	2,9 б.
<b>Микроқарзлар</b>	<b>х</b>	<b>8</b>	<b>2 603</b>	<b>х</b>	<b>325 б.</b>
қарздорлар сони (минг дона)	х	0,3	393	х	1 359 б.
<b>Бошқа турдаги кредитлар</b>	<b>2 243</b>	<b>1 968</b>	<b>4 005</b>	<b>-12,3</b>	<b>103,5</b>
бошқа турдаги кредитлар бўйича сони (минг дона)	375	395	680	5,4	72,0

**Автокредитлар** қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб **2,7** баробарга ёки **1,6** трлн. сўмдан **4,5** трлн.сўмгача (2018 йилнинг I ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш – 7 баробар) кўпайган. Бунда, автокредит бўйича қарздорлиги мавжуд аҳоли сони **29** мингтадан **85** мингтагача ёки қарийб **3** баробарга кўпайган.

Юқорида келтирилган аҳолининг банк кредитлари бўйича мажбуриятларининг кескин ошиши асосан давлат дастурлари доирасида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш кўламининг сезиларли даражада кенгайтирилиши ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажмининг оширилиши билан изоҳланади.

Шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янги даврида тижорат банклари, шу жумладан давлат тижорат банклари томонидан аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатиш кўламининг оширилиши ҳам аҳолининг банк кредитлари бўйича мажбуриятларининг жадал ошишига таъсир кўрсатмоқда.

## **2.2. Худудлар кесимида аҳоли кредит мажбуриятларининг ўсиши**

Худудлар кесимида қаралганда, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига республика аҳолисининг жами кредит мажбуриятлари ҳажмида энг юқори улуш, яъни **16,1** фоизи **Тошкент шаҳри** аҳолиси ҳиссасига (ўтган йилнинг мос давридаги улуши - 12,6 фоиз) тўғри келган бўлиб, **9,3** фоизи **Қашқадарё вилояти** (9,4 фоиз), **8,4** фоизи **Фарғона вилояти** (8,2 фоиз), **8,1** фоизи **Самарқанд вилояти** (8,4 фоиз), **7,3** фоизи **Қорақалпоғистон Республикаси** (6,8 фоиз) ҳамда **7,0** фоизи **Андижон вилояти** (8 фоиз) аҳолиси ҳиссасига тўғри келган.

2019 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича аҳоли кредит мажбуриятлари йиллик ўсишининг (аввалги йилнинг 1 июль санасидаги қарздорлик ҳажмига нисбатан ўсиш) республика бўйича ўртача кўрсаткичга (соф ўсиш - **91,2** фоиз) нисбатан юқори даражаси **Тошкент шаҳрида** (143 фоиз), **Наманган вилоятида** (107,6 фоиз), **Қорақалпоғистон Республикасида** (105,0 фоиз), **Бухоро вилоятида** (99,4 фоиз), **Сирдарё вилоятида** (97,0 фоиз) ва **Фарғона вилоятида** (93,6 фоиз) қайд этилган.

2019 йил 1 июль ҳолатига аҳолининг жами кредит мажбуриятлари қолдиғининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсишининг (15,7 трлн. сўм) қарийб **19,8** фоизи **Тошкент шаҳри**, **9,3** фоизи **Қашқадарё вилояти**, **8,5** фоизи **Фарғона вилояти**, **7,8** фоизи **Қорақалпоғистон Республикаси**, **7,7** фоизи **Самарқанд вилояти** ҳамда **6,9** фоизи **Наманган вилояти** аҳолиси ҳиссасига тўғри келган.

**2-жадвал: Ҳудудлар кесимида аҳоли кредит қарздорлигининг ўзгариши, млрд. сўм**

Вилоятлар номи	01.07.2018	Улуши, фоизда	01.07.2019	Улуши, фоизда	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши	
					суммаси	фоизда
Тошкент ш.	2 182,8	12,6	5 304,3	16,1	3 121	2,4 б.
Қашқадарё	1 627,4	9,4	3 084,5	9,3	1 457,1	1,9 б.
Фарғона	1 424,5	8,2	2 757,1	8,4	1 332,6	1,9 б.
Самарқанд	1 457,7	8,4	2 664,3	8,1	1 206,7	1,8 б.
Қорақалпоғистон Республикаси	1 169,7	6,8	2 398,2	7,3	1 228,5	2,1 б.
Андижон	1 375,4	8,0	2 325,3	7,0	949,9	1,7 б.
Сурхондарё	1 179,3	6,8	2 149,4	6,5	970,1	1,8 б.
Наманган	1 014,6	5,9	2 105,9	6,4	1 091,3	2,1 б.
Хоразм	1 140,6	6,6	2 067,7	6,3	927,1	1,8 б.
Навоий	1 024,9	5,9	1 941,5	5,9	916,7	1,9 б.
Тошкент вил.	1 307,9	7,6	1 716,7	5,2	408,8	1,3 б.
Бухоро	850,5	4,9	1 696,1	5,1	845,6	2,0 б.
Жиззах	891,8	5,2	1 576,9	4,8	685,1	1,8 б.
Сирдарё	621,5	3,6	1 224,4	3,7	602,8	2,0 б.

Кредит турлари бўйича қаралганда, 2019 йил 1 июль ҳолатига республика аҳолисининг **ипотека кредитлари** бўйича жами мажбуриятлари ҳажмида Тошкент шаҳри аҳолисининг улуши энг юқори (12,4 фоиз) бўлиб, кейинги юқори улуш Қашқадарё вилояти

(11,7 фоиз), Самарқанд вилояти (8,7 фоиз), Фарғона вилояти (7,9 фоизи), Тошкент вилояти (7,8 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (7,7 фоиз) ҳамда Сурхондарё вилояти (7,4 фоиз) аҳолиси ҳиссасига тўғри келади.

2019 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича **ипотека кредитлари бўйича қарздорлик йиллик ўсишининг энг юқори суръатлари** (республика бўйича ўртача кўрсаткич - 51 фоизга нисбатан) Қорақалпоғистон Республикасида (82,7 фоиз), Тошкент шаҳрида (74,8 фоиз), Бухоро вилоятида (71,9 фоиз), Қашқадарё вилоятида (52,7 фоиз), Тошкент вилоятида (52,4 фоиз) кузатилган бўлса, Андижон вилоятида нисбатан секин (17,7 фоизга) ўсган.

2019 йил 1 июль ҳолатига аҳолининг ипотека кредитлари бўйича жами мажбуриятлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,1** трлн. сўмга ошган бўлиб, шундан қарийб **16,6** фоизи (841,5 млрд. сўми) Тошкент шаҳри, **12,6** фоизи (642,8 млрд. сўми) Қашқадарё вилояти, **10,9** фоизи (552,5 млрд. сўми) Қорақалпоғистон Республикаси, **8,9** фоизи (452,1 млрд. сўми) Самарқанд вилояти ҳамда **8,4** фоизи (427,3 млрд. сўми) Тошкент вилояти аҳолиси ҳиссасига тўғри келган.

**Истеъмол кредитлари бўйича жами мажбуриятлар ҳажмида энг юқори улуш** Тошкент шаҳри (**17,8** фоиз), Самарқанд вилояти (**9,4** фоиз), Фарғона вилояти (**9,1** фоизи), Қорақалпоғистон Республикаси (**8,1** фоиз), Тошкент вилояти (**7,7** фоиз), Андижон вилояти (**6,7** фоиз), Навоий вилояти (**6,6** фоиз) ҳамда Наманган вилояти (**6,1** фоиз) аҳолиси ҳиссасига тўғри келган.

2019 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича **истеъмол кредитлари бўйича мажбуриятларнинг йиллик ўсиши** Қашқадарё вилоятида (144,5 фоиз), Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида (133,9 фоиз), Тошкент шаҳрида (132,7 фоиз), Бухоро вилоятида (122,8 фоиз), Навоий вилоятида (113,2 фоиз), Тошкент вилоятида (110,0 фоиз) республика бўйича ўртача кўрсаткичга (соф ўсиш - 104,3 фоиз) нисбатан юқори бўлган бўлса, Андижон (58,4 фоиз) ва Наманган (63,4 фоиз) вилоятларида энг паст ўсиш суръатлари кузатилган.

Бунда, истеъмол кредитлари бўйича жами мажбуриятларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,1** трлн. сўм миқдордаги ўсишининг **19,9** фоизи (610,1 млрд. сўми) Тошкент шаҳри,

**10,6** фоизи (324,2 млрд. сўми) Самарқанд вилояти, **8,0** фоизи (245,7 млрд. сўми) Фарғона вилояти, **7,9** фоизи (242,8 млрд. сўми) Тошкент вилояти ҳамда **7,6** фоизи (234,5 млрд. сўми) Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси ҳиссасига тўғри келган.

**Автокредитлар** бўйича аҳолининг жами кредит мажбуриятларининг 2019 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича йиллик ҳисобдаги соф ўсиши **178,0 фоизни** ташкил қилган бўлса, бунданда юқори ўсиш суръатлари Навоий вилоятида (233,3 фоиз), Фарғона вилоятида (225,4 фоиз), Тошкент шаҳрида (207,4 фоиз) ҳамда Тошкент вилоятида (179,6 фоиз) қайд этилган. Бунда, таҳлил қилинаётган давр мобайнида мазкур кредит тури бўйича аҳоли қарздорлиги барча ҳудудларда кескин ошган бўлиб, энг паст ўсиш суръати 2,3 баробарни (ёки соф ўсиш 130,0 фоиз) ташкил қилган.

2019 йил 1 июль ҳолатига аҳолининг автокредитлар бўйича жами мажбуриятларининг **30,5** фоизи Тошкент шаҳри, **7,0** фоизи Навоий вилояти, **6,8** фоизи Тошкент вилояти, **6,7** фоизи Қашқадарё вилояти, **6,1** фоизи Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда **6,0** фоизи Самарқанд ва Фарғона вилоятлари (ҳар бирида) аҳолиси ҳиссасига тўғри келган.

Ўз навбатида, 2019 йил 1 июль ҳолатига тижорат банклари томонидан 2018 йилнинг II ярмидан бошлаб жорий қилинган **микроқарзлар** бўйича аҳоли жами мажбуриятлари ҳажмида Тошкент шаҳри аҳолисининг улуши (18,2 фоиз) энг юқори бўлиб, кейинги юқори улушлар Тошкент вилояти (10,2 фоиз), Қашқадарё вилояти (11,7 фоиз), Андижон вилояти (9,8 фоиз), Фарғона вилояти (9,5 фоиз), Самарқанд вилояти (8,8 фоиз) ҳамда Қашқадарё вилояти (7,0 фоиз) аҳолиси ҳиссасига тўғри келган.

### **2.3. Ажратилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари ва сўндириш муддатлари**


2019 йилнинг I ярим йиллигида аҳоли томонидан **тижорат банкларидан олинган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 15,6** фоизни, шу жумладан, ипотека кредитлари бўйича – **9,8** фоизни истеъмол кредитлари бўйича – **25,2** фоизни, микроқарзлар бўйича – **32,4** фоизни ҳамда автокредитлар бўйича – **24,0** фоизни ташкил этади.

Аҳолининг **кредит мажбуриятлари қолдиғи бўйича ўртача тортилган сўндириш муддати 7,8** йилни, шу жумладан ипотека кредитлари бўйича – **13,4** йилни, автокредитлар бўйича – **3,4** йилни,

истеъмол кредитлари бўйича – 2,2 йилни ҳамда микроқарзлар бўйича – 1,5 йилни ташкил қилади.

Бунда, банк кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси Марказий банк томонидан кўрилаётган пул-кредит сиёсати ва пруденциал назорат чора-тадбирлари, шу жумладан 2018 йилнинг сентябрь ойида қайта молиялаш ставкасининг йиллик 14 фоиздан 16 фоизгача оширилиши ҳамда аҳолини кредитлаш ҳажмларининг ўсишини мўътадиллаштиришга қаратилган қўшимча пруденциал назорат меъёрларининг жорий қилиниши таъсирида аҳолига ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ошиб бориши кузатилмоқда.

### 3-диаграмма: Кредит турлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари, фоизда



Хусусан, 2018 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан солиштирилганда аҳолига ажратилган жами банк кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 3,5 фоиз бандга, шу жумладан истеъмол кредитлари бўйича 4,7 фоиз бандга, автокредитлар бўйича 3,0 фоиз бандга ҳамда ипотека кредитлари бўйича 0,6 фоиз бандга ўсган.

Таъкидлаш жоизки, банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ошишига қарамасдан 2019 йилнинг I ярим йиллигида



аҳоли томонидан тижорат банкларидан олинган кредитлар ҳажмининг ўсиши янада жадаллашган. Жумладан, 2018 йилнинг I ярим йиллигида аҳоли кредит мажбуриятларининг 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши **38,4** фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг I ярим йиллигида **91,2** фоизни ташкил қилган.

Мазкур ҳолат асосан ипотека кредитлари бўйича мажбуриятлар ўсишининг 2018 йилнинг I ярим йиллигидаги **24,0** фоиздан 2019 йилнинг мос даврида **48,3** фоизгача жадаллашиши, микроқарз хизматларининг 2018 йилнинг II ярим йиллигида кенг жорий қилиниши ҳамда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар ҳажмининг кескин ошиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, 2019 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича аҳолининг истеъмол кредитлари бўйича мажбуриятларининг йиллик ўсиш суръати *(аввалги йилнинг 1 июль санасидаги қарздорлик ҳажмига нисбатан ўсиш)* 2018 йилнинг мос давридаги 2,2 баробардан 2,0 баробаргача, автокредитлар бўйича эса 7,0 баробардан 2,7 баробаргача пасайган.

Бунда, микроқарзлар ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига ажратилаётган кредитлар ҳисобга олинмасдан амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳам 2019 йилнинг I ярим йиллигида аҳолининг кредит мажбуриятлари ўсишининг янада жадаллашганлигини *(2018 йилнинг I ярим йиллигидаги 47,8 фоиздан 2019 йилнинг I ярим йиллигида 74,6 фоизгача)* кўрсатмоқда.

Бу эса, аҳолининг банк кредитларига бўлган талабининг юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради ҳамда уй-жой, автотранспорт воситалари, маиший техника ва бошқа узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товар ва жиҳозларга талабнинг юқорилиги, аҳоли орасида молиявий хизматлар оммабоплик даражасининг ошиб бориши ҳисобига келгуси даврларда ҳам аҳоли кредит қарздорлигининг жадал ўсишда давом этиши эҳтимоли юқорилигини англатади.

#### **2.4. Аҳолининг кредит хизматларидан фойдаланиш даражаси**

Таъкидлаш жоизки, республикамизда аҳолининг банк кредитлари бўйича мажбуриятлари жадал ошиб бораётган бўлсада, Ўзбекистонда тижорат банкларининг кредит хизматларидан фойдаланиш даражаси бошқа ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан МДҲ давлатларидагидан анча паст шаклланган.



Хусусан, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига республикада **кредит мажбурияти мавжуд жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонидagi улуши 13,1** фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич Россияда 55,5 фоизни, Қозоғистонда 55,0 фоизни, Грузияда 70,0 фоизни ва Беларусда 75,8 фоизни ташкил этади.

*Банк кредитлари бўйича мажбурияти мавжуд бўлган фуқароларнинг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонидagi улуши 2017 йил 1 июль ҳолатига 5,4 фоизни, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига 6,8 фоизни ташкил этган.*

Кредит хизматларидан фойдаланиш даражасининг яна бир кўрсаткичи – **икки ва ундан ортиқ амалдаги кредит шартномалари мавжуд шахсларнинг кредит мажбурияти мавжуд жами аҳоли сонидagi улуши 2019 йил 1 июль ҳолатига мамлакатимизда 7,2** фоизни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич ҳам бошқа ривожланётган мамлакатлардаги кўрсаткичларга нисбатан анча паст шаклланган бўлиб, жумладан Россияда 42,3 фоизни ташкил қилади.

Шунингдек, **бир қарздорга тўғри келадиган амалдаги кредит шартномалари сони Ўзбекистонда 1,1** тани ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич Россияда **1,7** тани ва Қозоғистонда **1,8** тани ташкил қилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, юқорида келтирилган охириги икки кўрсаткичнинг ошиб бориши аҳолининг кредит мажбуриятларининг ҳаддан ортиқ ўсишининг дастлабки аломатлари ҳисобланиб, тегишли чоралар кўрилмаган тақдирда, тижорат банкларида муаммоли кредитлар улушининг ошишига ва аҳоли молиявий аҳолининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

### III. Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки таҳлили

Мазкур таҳлил доирасида республикада аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки (кредит юки) даражаси халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган усулларида келиб чиқиб, **макро ёндашув**, яъни умумийлаштирилган (жамланма) статистик маълумотлар асосида ҳамда **микро ёндашув** – бевосита банк кредитлари бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлган танлаб олинган жисмоний шахсларнинг кредит тўловлари ва даромадларини ўрганиш асосида баҳоланди.

#### 3.1. Кредит юкини макроиқтисодий баҳолаш натижалари

Аҳоли кредит юкини макроиқтисодий нуқтаи-назардан баҳолашда халқаро амалиётда асосан 3 та услубий ёндашувдан – **1) Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи (*Payment-to-income ratio*), 2) Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (*Debt-Service-Ratio*) ҳамда 3) Қарз мажбуриятларининг ЯИМга нисбати (*Debt-to-GDP*) кўрсаткичидан** фойдаланилади.

Ушбу макроиқтисодий ёндашувларга асосан кредит юки кўрсаткичларини ҳисоблашда мамлакат бўйича умумлаштирилган статистик маълумотлар, шу жумладан аҳолининг жами кредит қарздорлиги (*тижорат банклари жами кредит портфелининг аҳолига тегишли қисми*), аҳолининг умумий даромади, шу жумладан иш ҳақи шаклидаги даромади, ялпи ички маҳсулот ҳажми, битта қарздорга тўғри келувчи ўртача кредит қарздорлиги миқдори ёки ойлик кредит тўлови миқдори, аҳоли жон бошига ўртача даромад, иқтисодиётдаги ўртача ойлик иш ҳақи каби умумлашган статистик кўрсаткичлардан фойдаланилади.

**Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи (*Payment-to-income ratio* ёки *PTI* кўрсаткичи).** Мазкур кўрсаткич халқаро амалиётда аҳоли кредит юкини баҳолашда энг кенг қўлланиладиган услубий ёндашувлардан бири бўлиб, **бир ойлик ўртача кредит тўлови миқдорининг ойлик ўртача ҳисобланган даромадга (даромад солиғи тўлагунга қадар бўлган даромад) нисбати** шаклида ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу кўрсаткич аҳолининг солиқ тўлагунга қадар бўлган бир ойлик даромадининг қанча қисми кредит қарздорлигини сўндиришга йўналтирилишини кўрсатади.

Мазкур кредит юки кўрсаткичи аҳоли қарз юки даражасини макро (мамлакат даражасидаги умумлашган маълумотлар асосида) ва микро (танлаб олинган қарздорлар бўйича маълумотлар асосида) даражада баҳолаш имкониятини беради.

PTI кўрсаткичи (кейинги ўринларда Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи деб юритилади) 2008 йилги глобал молиявий инқироздан сўнг халқаро миқёсда кенг жорий қилинган бўлиб, макропруденциал назорат инструменти сифатида аҳолининг қарз юкининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши билан боғлиқ хатарларни баҳолаш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланилади.

### **3-жадвал: Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи (Payment-to-income)**

#### **Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи (PTI)**

Ушбу кўрсаткич аҳолининг даромад солиғи тўлагунга қадар бўлган бир ойлик даромадининг қанча қисми кредит қарздорлиги бўйича тўловларни сўндиришга сарф қилинишини кўрсатиб, қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$PTI = \frac{\sum_{i=1}^N P_i}{I} * 100$$

Бу ерда:

$P_i$  - асосий қарз ва фоиз тўловлари бўйича ўртача 1 ойлик тўлов миқдори;

$I$  - даромад солиғи тўлагунга қадар бўлган бир ойлик ўртача даромад.

Ушбу кўрсаткич тижорат банклари томонидан потенциал миждозларнинг кредит тўловларини сўндириш салоҳиятини баҳолаш мақсадида, марказий банклар томонидан эса аҳолининг қарз юки даражасини ҳамда кредит рискларини баҳолаш мақсадида фойдаланилади.

Халқаро амалиётда кўпгина марказий банклар томонидан макропруденциал инструмент сифатида ушбу кўрсаткичга чегаравий меъёрлар жорий қилинган бўлиб, тижорат банклари зиммасига қарз олувчи жисмоний шахслар билан кредит шартномалари тузишда ушбу меъёрий чегаралардан четлашмаслик ва марказий банкка ҳар бир тузилган кредит шартномаси юзасидан ушбу кўрсаткич бўйича маълумот тақдим қилиб бориш мажбурияти юкланади.

Бунда, халқаро банк амалиётида аҳолига кредит маблағларини ажратишда Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичини, яъни банк кредити бўйича бир ойлик тўлов миқдорини кредит олган (*ёки олмоқчи бўлган*) жисмоний шахснинг бир ойлик даромадининг **50 фоизидан** оширмаслик тавсия қилинади.

Ўзбекистон аҳолисининг кредит юкини Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи асосида баҳолашда кредит мажбурияти мавжуд бир қарздорга тўғри келувчи ўртача бир ойлик кредит тўлови (*асосий қарз ва фоиз тўловлари*) миқдорини аҳолининг ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи миқдорига (*даромад солиғи тўлангунга қадар бўлган иш ҳақи миқдори*) бўлиш орқали аниқланди (*ушбу кўрсаткич бўйича батафсил маълумотлар 3-жадвалда тўлиқ келтирилган*).

Бунда, юқоридаги кредит юки кўрсаткичини ҳисоблашда асосан расмий даромадга эга бўлмаган (шу сабабли кредит юкини баҳолаш имконияти бўлмаган) аҳолига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ажратилган кредитлар инobatга олинмаган.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар 2018 йил ва 2019 йилнинг I ярим йиллигини қамраб олган давр мобайнида **аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юкининг сезиларли даражада ошганлигини** кўрсатмоқда (*4-диаграмма*).

Хусусан, 2019 йилнинг I ярим йиллигида Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи бўйича ҳисобланган кредит юки **34,7** фоизни (*бир қарздорга тўғри келувчи ўртача ойлик кредит тўлови 719,4 минг сўм, ўртача ойлик иш ҳақининг ҳисобланган миқдори – 2 070,8 минг сўм*) ташкил қилган бўлиб, 2018 йилнинг мос давридаги кўрсаткичга (29,4 фоиз) нисбатан **5,3** фоиз бандга ошган. Бошқача қилиб айтганда, 2019 йилнинг I ярим йиллигида бир қарздор бир ойда ўртача иш ҳақи шаклидаги даромадининг **34,7** фоизини банк кредити бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини тўлашга сарфлаган.


Бунда, юқоридаги кредит юки ўсиши (5,3 фоиз бандга):

- **аҳоли кредит мажбуриятларининг даромадига нисбатан жадалроқ ўсиши**, яъни аҳоли ўртача ойлик иш ҳақи даромадининг 2018 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **28,1** фоизга ошган ҳолатда, ўртача ойлик кредит тўлови миқдорининг **51,4** фоизга, шу жумладан **автокредитлар** бўйича **1,5** баробарга ҳамда **истеъмол кредитлари** бўйича **1,4** баробарга ошганлиги;

- аҳоли кредит мажбуриятлари таркибида нисбатан қиммат (ойлик тўлови ва/ёки фоиз ставкаси юқори) ҳисобланган кредитлар улушининг ошиши, шу жумладан автокредитлар улушининг 4,9 фоиз бандга ва микроқарзлар улушининг 8,9 фоиз бандга кўпайганлиги билан изоҳланади.


Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон бўйича Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи асосида ҳисобланган кредит юки кўрсаткичи (34,7 фоиз) халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрдан (50 фоиз) анча паст ҳисобланади. Шунингдек, ушбу кўрсаткич кўпгина ривожланаётган давлатлардаги аҳоли кредит юки кўрсаткичига нисбатан паст шаклланган бўлиб, жумладан ушбу кўрсаткич Россияда 45 фоизни (айрим манбаларда 42-47 фоиз оралиқда) ташкил қилади.

#### 4-диаграмма: 2018-2019 йилларнинг I ярим йиллигида аҳоли қарз юки кўрсаткичлари (фоизда)



Юқоридаги кредит юки кўрсаткичи ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, 2019 йилнинг I ярим йиллигида аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юкининг республика бўйича ўртача кўрсаткичдан (34,7 фоиз) юқори даражаси **Сурхондарё вилоятида** (48,3 фоиз), **Тошкент шаҳрида** (44,6 фоиз), **Бухоро вилоятида** (43,3 фоиз), **Қашқадарё вилоятида** (41,9 фоиз) ҳамда **Андижон ва Жиззах вилоятларида** (36,6 фоиз) кузатилди (5-диаграмма).

## 5-диаграмма: Худудлар кесимида аҳолининг кредит юки кўрсаткичлари (иш ҳақига нисбатан фоизда)



**Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (Debt-Service-Ratio).** Мазкур кўрсаткич концептуал жиҳатдан Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичига ўхшаш бўлиб, ундан фарқли равишда, кредит мажбурияти бўлган аҳолининг (ёки алоҳида шахснинг) кредит сўндиришнинг қолган даври мобайнида соф даромадининг қанча қисмини кредит тўловларига йўналтириши зарурлигини кўрсатади. Бунда, қарз юки кўрсаткичи жорий йиллик даромадга нисбатан ҳисобланади.

Макро даражада, яъни мамлакат миқёсида аҳолининг кредит мажбуриятлари бўйича Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичини ҳисоблашда аҳолининг жами соф даромадлари тўғрисидаги маълумотлардан, айрим ҳолатларда эса аҳоли умумий даромадининг муқобил кўрсаткичи сифатида ЯИМ ҳажмидан фойдаланилади.

Халқаро тадқиқотлар аҳолининг кредит мажбуриятлари бўйича Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг (аҳолининг жами даромадига нисбатан ҳисобланган) **20-25** фоиздан ошиб кетиши аҳолининг кредит тўловларини сўндириши билан боғлиқ жиддий муаммоларнинг юзага келиши ҳамда бунинг натижасида банк тизими

молиявий барқарорлигининг издан чиқиши билан боғлиқ хатарларнинг кучайишига олиб келишини кўрсатмоқда.

#### 4-жадвал: Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (Debt-Service-Ratio)

##### Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (DSR)

Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (Debt-Service-Ratio) асосида аҳоли қарз юкани баҳолаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$DSR_t = \frac{i_t * D_t}{\left(1 - \frac{1}{(1+i_t)^{m_t}}\right) * cY_t}$$

Бу ерда:  $DSR_t$  – қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи;

$D_t$  – жами ажратилган кредитлар қолдиғи;

$i_t$  – кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси;

$cY_t$  – жорий даромадлар миқдори;

$m_t$  – ўртача кредит муддати.

Хусусан, Халқаро ҳисоб-китоблар банки (Bank of International Settlements) иқтисодчилари М. Дрехман ва М. Жуселиус томонидан 2012 йилда 27 мамлакат, шу жумладан 19 ривожланаётган давлатлар (Аргентина, Бразилия, Мексика, Перу, Туркия, Венгрия, Руминия, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Индонения, Беларусь ва бошқа давлатлар) бўйича ўтказилган тадқиқотда барқарор банк тизимига эга мазкур мамлакатларда аҳоли кредит қарздорлиги бўйича қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг аҳолининг жами соф даромадига нисбатан ҳисобланганда **5-20** фоиз оралиқда шаклланганлиги аниқланган.

Бунда, тизимли банк инқирози юз берган деярли барча ҳолатларда мазкур инқирозлар юз беришидан олдин Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг деярли бир хил даражагача (20 фоиздан юқори) кўтарилганлиги кузатилган. Шу сабабли, халқаро амалиётда мазкур кўрсаткичдан тизимли банк инқирозларини олдиндан прогноз қилишда кенг фойдаланилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> М. Власенко (2015 г.). «Об основных показателях долговой нагрузки на экономику». Банковский вестник, 2015.

Шунингдек, мазкур кўрсаткич кредит юкини баҳолашда кредит мажбуриятлари бўйича фоиз ставкалари таъсирини ҳисобга олиши сабабли, ундан пул-кредит сиёсати ва молиявий барқарорликни ўзаро тўғридан-тўғри боғловчи макропруденциал сиёсат инструменти сифатида фойдаланиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аҳолисининг кредит мажбуриятларига нисбатан Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичининг умумқабул қилинган тартибда, яъни ЯИМ ҳажми ёки аҳолининг жами даромадлари асосида ҳисобланиши аҳоли кредит юки даражасини пасайтириб кўрсатилишига олиб келади. Бунга асосий сабаб:

- мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳолининг асосий қисмининг расман меҳнат билан банд эмаслиги (*2019 йилнинг 1 июль ҳолатига расман меҳнат билан банд бўлган шахслар сони 5 594 минг кишини ёки иқтисодий фаол аҳолининг 37,6 фоизини ташкил қилади*) ҳамда кредит хизматларидан фойдаланаётган аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги улуши мос даражада эканлиги (*Ўзбекистонда 13,1 фоиз, ривожланган ва кўплаб ривожланаётган мамлакатларда 50 фоиздан юқори*) натижасида аҳолининг жами даромадлари тўғрисидаги статистик маълумотларнинг кредит мажбуриятлари мавжуд аҳоли даромадларини тўлақонли акс эттирмаслиги;

- республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан аҳолига кредит ажратишда кредит олмоқчи бўлган фуқароларнинг доимий расмий иш жойига ва барқарор даромадга эга бўлишига катта эътибор қаратилиши (*айрим ҳолатлар бундан мустасно*) натижасида кредит қарздорлиги мавжуд жисмоний шахсларнинг асосий қисмини расмий меҳнат билан банд бўлган шахслар ташкил этиши ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур таҳлил доирасида Ўзбекистон аҳолисининг банк кредитлари бўйича қарз юкини Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи асосида ҳисоблашда тижорат банкларидан кредит олган аҳолининг асосий қисмини ташкил қилувчи расмий меҳнат билан банд аҳолининг иш ҳақи шаклидаги даромадлари бўйича статистик маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, 2019 йилнинг I ярим йиллигида **аҳолининг иш ҳақи шаклидаги даромадларига нисбатан**



ҳисобланган Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи **9,6** фоизни ташкил қилган бўлиб, халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрдан (20-25 фоиз) сезиларли даражада паст ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига мавжуд бўлган аҳолининг жами кредит қарздорлигини тўлиқ сўндириш учун кейинги **7,8** йил давомида иш ҳақи шаклидаги йиллик даромадининг қарийб **10** фоизини йўналтириши талаб қилинади.

*Россияда аҳолининг жами даромадига нисбатан ҳисобланган кредит қарздорлиги бўйича Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2019 йилнинг I ярим йиллигида 9,9 фоизни<sup>2</sup> ташкил қилган бўлиб, мазкур кўрсаткичнинг иқтисодиётда молиявий воситачилик кўламнинг ошиб бориши ҳисобига доимий равишда ўсиб бориши кузатилмоқда (2005 йилда 3,1 фоиз, 2010 йилда 6,2 фоиз)<sup>3</sup>.*

*Ушбу кўрсаткич халқаро миқёсда, айниқса ривожланган давлатлар кўрсаткичлари билан солиштирганда анчайин паст<sup>4</sup> ҳисоблансада ҳамда аҳоли кредит қарздорлиги бўйича муаммоли кредитлар ҳажмининг сезиларли ошиши кузатилмаётган бўлсада, Россия Марказий банкида аҳоли кредит қарздорлигининг аҳоли даромадларидан сезиларли даражада тезроқ ўсаётганлиги (сўнгги 3 йилда аҳоли кредит қарздорлиги ўртача йиллик ўсиши 21 фоиз, даромадлар ўсиши ўртача 11 фоиз) ташвиш ўйғотмоқда.*

*Бунда, Россияда аҳоли кредит қарздорлиги ва даромадлари ўсишидаги салбий фарқнинг сақланиб қолиши келгусида кредит тўловлари миқдорининг ошиб бориши натижасида аҳоли кредит қарздорлиги бўйича муаммоли кредитлар улушининг сезиларли даражада ошишига, аҳоли молиявий ҳолатининг ёмонлашишига ва бошқа ижтимоий муаммоларнинг кучайишига олиб келиши прогноз қилинмоқда.*

Аҳоли кредит юкининг яна бир муқобил кўрсаткичи – **Қарз мажбуриятларининг ЯИМга нисбати (Debt-to-GDP) кўрсаткичи** бўлиб, халқаро амалиётда, шу жумладан Халқаро ҳисоб-китоблар

---

<sup>2</sup> Россия Марказий банки маълумотларига кўра.

<sup>3</sup> Донец С., А. Пономоренко (2015 г.). «Индикаторы долговой нагрузки». Серия докладов об экономических исследованиях. Центральный банк Российской Федерации

<sup>4</sup> Бевосита кредит қарздорлиги мавжуд шахслар бўйича ҳисобланганда Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 23,3 фоизни ташкил қилади.

банки (Bank of International Settlements) томонидан ушбу кўрсаткичнинг ЯИМга нисбатан **60** фоиздан оширмаслик тавсия қилинади.

Хусусан, Халқаро ҳисоб-китоблар банки иқтисодчилари М. Ломбарди, М. Моханти ва И. Шим томонидан 2017 йилда 54 мамлакат бўйича ўтказилган тадқиқотда аҳоли қарзининг ЯИМга нисбатининг 60 фоиздан ошиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилиши ҳамда бундай салбий таъсир қарздорликнинг ЯИМга нисбати 80 фоиздан юқори бўлган ҳолатларда айниқса кучли бўлиши қайд қилинган.

Бунда, эконометрик модел асосидаги ҳисоб-китоблар қарздорлик миқдорининг юқоридаги меъёрий кўрсаткичдан ошиб кетган ҳолатларда кредит мажбуриятларини бажара олмайдиган аҳоли сонининг сезиларли даражада ошиши натижасида банк-молия тизими молиявий ҳолатининг ёмонлашиши, банклар томонидан кредитлаш шартларининг қатъийлаштирилиши, иқтисодиётдаги фоиз ставкаларининг сезиларли даражада кўтарилиши ва иқтисодиётда инвестицион фаолликнинг пасайиши ҳамда бунинг натижасида иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши кузатилиши мумкинлигини кўрсатган.

2019 йилнинг I ярим йиллиги якуни бўйича Ўзбекистонда аҳоли жами кредит мажбуриятларининг ЯИМга нисбати, йиллик ҳисобда, **6,9** фоизни ташкил қилган бўлиб, бошқа кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Беларусия (ЯИМга нисбатан 8,7 фоиз), Қозоғистон (9,3 фоиз), Озарбайжон (9,7 фоиз), Россия (14 фоиз), Арманистон (15,8 фоиз), Индонезия (17 фоиз), Туркия (17,6 фоиз), Литва (22,8 фоиз), Грузия (33,7 фоиз), Эстония (41,1 фоиз), Хитой (44,2 фоиз) ва бошқа ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткичдан паст ҳисобланади<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> ХВФнинг “Жаҳон қарз маълумотлари” базасидан олинган.

[www.imf.org/external/datamapper/HH\\_LS@GDD/CAN/GBR/USA/DEU/ITA/FRA/JPN](http://www.imf.org/external/datamapper/HH_LS@GDD/CAN/GBR/USA/DEU/ITA/FRA/JPN)


## 3.2. Кредит юкини ихтиёрий танлаб олинган кредит шартномалари бўйича баҳолаш натижалари

### 3.2.1. Таҳлил қилинаётган кредит шартномалари бўйича маълумот

Халқаро амалиётда иқтисодий субъектлар, шу жумладан аҳоли кредит юкини баҳолашни бевосита кредит шартномалари ҳамда бундай шартномалар бўйича кредит мажбуриятлари мавжуд шахсларга оид маълумотлар асосида, яъни микро тадқиқот ёрдамида амалга ошириш кенг тарқалган бўлиб, бундай ёндашув кредит юкини макро даражадаги ўрганишларга нисбатан янада аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, мазкур таҳлил доирасида аҳоли кредит юкини янада аниқроқ баҳолаш мақсадида мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган барча тижорат банклари филиаллари томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг дастлабки 6 оyi мобайнида аҳолига ажратилган кредитлар бўйича *(2019 йил 1 июль ҳолатига кредит мажбурияти мавжуд бўлган ва амал қилиш муддати тугамаган)* жами **150** мингдан ортиқ кредит шартномалари бўйича маълумотлар таҳлил қилинди.

**6-диаграмма: Кредит турлари бўйича танланма кўлами, донада**



Таҳлил доирасида 4 турдаги кредитлар қамраб олинган бўлиб, уларнинг **47,5** фоизини *(71,9 мингта)* истеъмол кредитлари, **25,8** фоизини *(38,8 мингта)* микроқарзлар, **15,7** фоизини


(23,6 мингта) автокредитлар ҳамда 11 фоизини (16,1 мингта) ипотека кредитлари ташкил этади.

Мазкур микро тадқиқот доирасида таҳлил қилинаётган кредит шартномалари 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига аҳолига ажратилган кредитлар бўйича амалда бўлган жами кредит шартномаларининг (бошқа мақсадларга ажратилган кредитлар ҳисобга олинмаган) 10,5 фоизини ташкил қилади.

Шу билан бирга, аҳолига бошқа мақсадлар учун ажратилган кредитларнинг асосий қисмини “Ҳар бир оила тадбиркор” ва бошқа аҳолининг тадбиркорлигини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ажратилган кредитлар ташкил қилиши ҳамда бундай кредитларни олган шахсларнинг катта қисми доимий (расмий) даромадга эга эмаслиги мазкур кредитларни олган аҳоли бўйича кредит юкини баҳолаш имкониятини бермайди. Шу сабабли, аҳолига бошқа мақсадлар учун ажратилган кредитлар мазкур таҳлил билан қамраб олинмаган.

Ўз навбатида, **ҳудудлар кесимида қаралганда** кўриб чиқиладиган кредит шартномаларининг 14,2 фоизи Қашқадарё вилояти, 10 фоизи Фарғона вилояти, 9,6 фоизи Тошкент шаҳри, 7,6 фоизи Тошкент вилояти, 7,3 фоизи Сурхондарё вилояти, 6,7 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, 6,6 фоизи Бухоро вилояти, 6,3 фоизи Самарқанд вилояти, 6,1 фоизи Хоразм вилояти, 5,7 фоизи Андижон вилояти ҳамда 5,3 фоизи Жиззах вилояти аҳолиси ҳиссасига тўғри келади.

**7-диаграмма: Вилоятлар кесимида танланма кўлами, донада**



Бунда, таҳлил доирасида кўриб чиқилаётган кредит шартномалари бўйича ўртача кўрсаткичлар қуйидагича шаклланган:

- ажратилган кредит ҳажмининг ўртача миқдори **24,7 млн. сўми**, шу жумладан ипотека кредитлари бўйича 128,1 млн. сўми, истеъмоладан кредитлари бўйича 9,5 млн. сўми, автокредитлар бўйича 62,8 млн. сўми ҳамда микроқарзлар бўйича 9,3 млн. сўми;

- ўртача сўндириш муддати **8,9 йилни**, шу жумладан ипотека кредитлари бўйича 16,4 йилни, истеъмоладан кредитлари бўйича 2,3 йилни, автокредитлар бўйича 3,2 йилни ҳамда микроқарзлар бўйича 1,3 йилни;

- ўртача фоиз ставкаси **19,5 фоизни**, шу жумладан ипотека кредитлари бўйича 10,4 фоизни, истеъмоладан кредитлари бўйича 26,7 фоизни, автокредитлар бўйича 25,8 фоизни ҳамда микроқарзлар бўйича 32,2 фоизни;

- ўртача бир ойлик кредит тўлови миқдори **819,1 минг сўми**, шу жумладан ипотека кредитлари бўйича **2 386 минг сўми**, автокредитлар бўйича **1 579,7 минг сўми**, микроқарзлар бўйича **680,3 минг сўми** ҳамда истеъмоладан кредитлари бўйича **448,9 минг.сўми**;

- кредит олувчи шахснинг ўртача ойлик даромади **2 061,1 минг сўми** (*кредит шартномасини тузиш вақтида тақдим қилинган маълумотномага асосан*), шу жумладан ипотека кредитлари бўйича 3 820,5 минг сўми, истеъмоладан кредитлари бўйича 1 469,2 минг сўми, автокредитлар бўйича 4 336,4 минг сўми ҳамда микроқарзлар бўйича 1 782,1 минг сўми ташкил қилади.

**Ажратилган кредит ҳажмининг ўртача миқдори** Тошкент шаҳрида энг юқори бўлиб, 42,3 млн. сўми (*республика бўйича ўртача 24,7 млн. сўм*), Сирдарё вилоятида 39,7 млн. сўми, Бухоро вилоятида 33,9 млн. сўми, Фарғона вилоятида 27,1 млн. сўми, Қашқадарё вилоятида 42,3 млн. сўми ва Жиззах вилоятида 25,0 млн. сўми ташкил қилади.

**Кредит олган шахсларнинг ўртача ойлик даромадининг энг юқори кўрсаткичлари**, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида (3 909,4 минг сўм), Наманган вилоятида (2 322,9 минг сўм), Самарқанд вилоятида (2 174,7 минг сўм), Тошкент

вилоятида (2 074,8 минг сўм), Бухоро вилоятида (2 035 минг сўм), Сурхондарё вилоятида (2 029,0 минг сўм), Қорақалпоғистон Республикасида (1 968,6 минг сўм), Хоразм вилоятида (1 781,3 минг сўм) ва Андижон вилоятида эса (1 731,2 минг сўм) кузатилмоқда.

### **3.2.2. Ихтиёрий танлаб олинган кредит шартномалари бўйича кредит юки даражаси таҳлили**

Мазкур таҳлил доирасида кўриб чиқиладиган кредит шартномалари бўйича аҳоли кредит юкини баҳолаш **Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи (Payment-to-income ratio)** асосида амалга оширилди.

Бунда, ушбу кўрсаткични ҳисоблашда бевосита кредит шартномалари ва кредит олган шахсларга оид маълумотлардан, шу жумладан кредит шартномалари бўйича кредит тўловлари миқдори, кредит олган шахслар даромадлари (*кредит шартномасини тузиш жараёнида тақдим қилинган тегишли маълумотномаларга асосан*), кредит шартномалари муддатлари, фоиз ставкалари, кредит қарздорлигининг қолдиқ миқдорлари ҳамда кредит қарздорлигини сўндиришнинг имтиёзли даври тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилди.


Хусусан, ҳисоб-китоблар мазкур таҳлил доирасида кўриб чиқиладиган **150** мингдан ортиқ шартномалар бўйича **Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи** ўрта ҳисобда **42,7** фоизни (*халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий кўрсаткич - 50 фоиз*) ташкил этишини кўрсатмоқда. Яъни, бошқача қилиб айтганда танлаб олинган кредит шартномалари бўйича аҳоли ўрта ҳисобда ўз ойлик даромадининг (солиқ тўлагунга қадар бўлган даромад) 42,7 фоизини кредит тўловларини амалга оширишга сарфламоқда.

Мазкур кредит юки кўрсаткичи кредит турлари бўйича қаралганда, **автокредитлар** бўйича **60,4** фоизни, **ипотека кредитлари** бўйича **53,4** фоизни ташкил қилган ҳолда халқаро амалиётда тавсия қилинган қарз юки чегаравий меъёридан (50 фоиз) юқори бўлса, **истеъмол кредитлари** ва **микроқарзлар** бўйича нисбатан паст шакланган бўлиб, мос равишда **36,7** фоизни ва **43,9** фоизни ташкил этмоқда.

Кредит юки кўрсаткичи **ҳудудлар кесимида таҳлил килинганда**, республиканинг 6 та ҳудудида, яъни Қашқадарё (55,6 фоиз), Сирдарё

(53,6 фоиз), Андижон (49,1 фоиз), Сурхондарё (48 фоиз), Жиззах (47,1 фоиз) ва Тошкент вилояти (44,5 фоиз) аҳоли қарз юкининг республика бўйича ҳисобланган ўртача кўрсаткичдан (43 фоиз) баландроқ шаклланганлиги аниқланди.

**8-диаграмма: Вилоятлар кесимида кредит юки кўрсаткичи, фоизда**



Бироқ, кредит юки кўрсаткичининг ҳар бир ҳудуд бўйича ихтиёрий танлаб олинган кредит шартномалари таркибий тузилмасига бевосита боғлиқлиги аҳоли кредит юкининг нотўғри (оширилиб ёки пасайтирилиб) баҳоланишига олиб келиши мумкин. Жумладан, муайян ҳудуд бўйича кўриб чиқилаётган жами кредит шартномалари таркибида ойлик кредит тўлови миқдори нисбатан баланд бўлган кредитлар (автокредитлар, ипотека кредитлари ва бошқалар) улушининг юқори бўлиши тегишли ҳудуд бўйича аҳоли кредит юкининг нисбатан юқори баҳоланишига сабаб бўлади.

Шу сабабли, ҳудудлар кесимида аҳоли кредит юкини кредит турлари бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, **кредит турлари бўйича қаралганда:**

- **ипотека кредитлари бўйича** Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи республика миқёсида ўрта ҳисобда **53,4** фоизни ташкил қилган ҳолда **чегаравий меъёрдан (50 фоиз) юқори** шаклланган бўлиб, янада юқори қарз юки кўрсаткичлари Қашқадарё (63,4 фоиз), Сирдарё (61,8 фоиз), Сурхондарё (59,5 фоиз), Хоразм

(59,4 фоиз), Андижон (58 фоиз), Бухоро (57 фоиз) ва Жиззах (55,3 фоиз) вилоятларида кузатилмоқда.

- **автокредитлар** бўйича кредит юки кўрсаткичи республика миқёсида ўрта ҳисобда **60,4** фоизни ташкил қилган ҳолда **чегаравий меъёрдан (50 фоиз) юқори** шаклланган бўлиб, мазкур қарз юки кўрсаткичи Сирдарё (85,8 фоиз), Сурхондарё (78,1 фоиз), Қашқадарё (68,3 фоиз), Наманган (67,7 фоиз), Навоий (64,7 фоиз) ва Хоразм (60,2 фоиз) вилоятларида айниқса юқори даражада эканлиги маълум бўлди;

- **истеъмол кредитлари** бўйича кредит юки кўрсаткичи барча республика ҳудудларида **чегаравий меъёрдан (50 фоиз) паст** шаклланган бўлиб, унинг нисбатан юқори даражаси Қашқадарё (49 фоиз) вилоятида қайд этилмоқда;

- **микроқарзлар** бўйича ҳам **Андижон вилоятидан (54,5 фоиз) бошқа барча республика ҳудудларида кредит юки кўрсаткичи чегаравий меъёрдан (50 фоиз) паст** шаклланган бўлиб, унинг бирмунча юқори даражаси Қашқадарё (47,8 фоиз), Сирдарё (46,8 фоиз), Жиззах (44,4 фоиз), Навоий (44 фоиз) ва Тошкент (43,8 фоиз) вилоятларида кузатилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки даражасини таҳлил қилинаётган жами кредит шартномалари сонига кредит юки кўрсаткичи чегаравий меъёрдан (50 фоиз) юқори бўлган шартномалар улуши асосида ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур ёндашув таҳлил қилинаётган кредит шартномаларининг қанча қисмида кредит хатари нисбатан юқори эканлигини баҳолаш имкониятини беради.

Хусусан, таҳлил доирасида кўриб чиқилган **150** мингдан ортиқ кредит шартномаларининг **35,3** фоизида кредит юки кўрсаткичи чегаравий меъёрдан, яъни бир ойлик ўртача кредит тўлови қарздор шахсининг ўртача ойлик даромадининг 50 фоизидан ортиқлиги аниқланди.

Ҳудудлар кесимида қаралганда кредит юки кўрсаткичи **Қашқадарё** вилоятида 61,7 фоизни, **Андижон** вилоятида 52 фоизни, **Сирдарё** вилоятида 49,3 фоизни, **Жиззах** вилоятида 44,1 фоизни ва **Сурхондарё** вилоятида 40 фоизни ташкил қилган ҳолда, республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори шаклланган.



Худудларда кредит юкининг тавсия этилган чегаравий меъёрлардан ошган ҳолатларининг жами кредит шартномалари сонидаги улушининг юқори шаклланиши келгусида кредит қайтмаслиги билан боғлиқ хатарлар юзага келиши эҳтимоллиги нисбатан юқори эканлигини билдиради.

**Кредит турлари** бўйича қаралганда, кредит юки кўрсаткичи чегаравий меъёрдан юқори бўлган кредит шартномалари улуши **автокредитлар** бўйича 67,3 фоизни, **ипотека кредитлари** бўйича 55,4 фоизни, **микроқарзлар** бўйича 36,7 фоизни ва **истеъмол кредитлари** бўйича 24,8 фоизни ташкил этган. Хусусан, қарз юки кўрсаткичининг 50 фоиздан ошиб кетиш ҳолатлари:

- **автокредитлар** бўйича кўриб чиқиладиган кредит шартномаларининг Сирдарё вилоятида 94,9 фоизида, Навоий вилоятида 94,4 фоизида, Қашқадарё вилоятида 90,4 фоизида, Сурхондарё вилоятида 84,7 фоизида, Наманган вилоятида 82,8 фоизида ва Тошкент вилоятида 74,8 фоизида кузатилмоқда;

- **ипотека кредитлари** бўйича кўриб чиқиладиган кредит шартномаларининг Андижон вилоятида 85,8 фоизида, Қашқадарё вилоятида 83,1 фоизида, Сирдарё вилоятида 79,2 фоизида, Бухоро вилоятида 78,6 фоизида ва Сурхондарё вилоятида 76,3 фоизида;

- **микроқарзлар** бўйича кўриб чиқиладиган кредит шартномаларининг Андижон вилоятида 73,7 фоизида ва Қашқадарё вилоятида 61,4 фоизида;

- **истеъмол кредитлар** бўйича кўриб чиқиладиган кредит шартномаларининг Қашқадарё вилоятида 53,6 фоизида кузатилмоқда.

Юқорида қайд этилган худудларда айрим кредит турлари бўйича кредит юкининг халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрдан (50 фоиз) юқорилиги асосан тегишли худудлардаги аҳоли ойлик даромадининг республика бўйича ўртача ойлик иш ҳақидан пастроқ шаклланиши билан изоҳланади.

Хусусан, таҳлил қилинадиган кредит шартномаларида келтирилган маълумотларга кўра, кредит юки кўрсаткичи чегаравий меъёрдан банд бўлган кредит шартномалари улуши юқорилиги кузатиладиган вилоятларда, **кредит турлари** бўйича қаралганда:

- **автокредитлар** бўйича Наманган вилоятида кредит олган шахсларнинг ўртача ойлик даромади республика бўйича ўртача

ҳисобланган ойлик даромад суммасидан<sup>6</sup> (4 336,4 минг сўм) 34,3 фоизга, Навоий вилоятида 32,3 фоизга ва Сурхондарё вилоятида 21,5 фоизга;

- **ипотека кредитлари** бўйича кредит олган шахсларнинг ўртача ойлик даромади республика бўйича ўртача ҳисобланган ойлик даромад суммасидан (3 820,5 минг сўм) Сирдарё вилоятида 37,1 фоизга, Бухоро вилоятида 24,9 фоизга ва Қашқадарё вилоятида 13,9 фоизга;

- **истеъмол кредитлари** бўйича кредит олган шахсларнинг ўртача ойлик даромади республика бўйича ўртача ҳисобланган ойлик даромад суммасидан (1 469,2 минг сўм) **Қашқадарё** вилоятида **24,8** фоизга;

- **микроқарзлар** бўйича кредит олган шахсларнинг ўртача ойлик даромади республика бўйича ўртача ҳисобланган ойлик даромад суммасидан (1 782 минг сўм) Қашқадарё вилоятида 20,4 фоизга ва Андижон вилоятида 15,8 фоизга пастроқ шаклланган.

---

<sup>6</sup> Таҳлил қилинаётган тегишли турдаги кредит шартномалари бўйича кредит олган шахсларнинг ўртача ойлик даромади.

#### **IV. Халқаро амалиётда аҳоли кредит юки ўсишини тартибга солишда қўлланиладиган макропруденциал инструментлар**

Бугунги кунда аҳолининг кредит мажбуриятлари ўсиши билан боғлиқ хатарларни бартараф этиш (пасайтириш) ҳамда аҳоли кредит мажбуриятларининг ҳаддан зиёд ошиб кетишини олдини олиш мақсадида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари марказий банклари томонидан қатор макропруденциал инструментлардан фойдаланиб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон банк тизимида аҳоли кредит қарздорлиги ўсишини жиловлаш мақсадида **капитал етарлилиги кўрсаткичини ҳисоблашда аҳолига ажратиладиган кредитлар бўйича рисклилик даражасини қўшимча ошириш инструменти** жорий қилинган бўлиб, автокредитлар ва микроқарзларга нисбатан қўлланилади.

Шу билан бирга, Халқаро валюта жамғармасининг макропруденциал сиёсат бўйича ҳисобот ва мақолаларида келтирилган маълумотларга кўра, айти вақтда марказий банклар томонидан аҳоли кредит қарздорлиги ўсишини жиловлашда энг кенг қўлланиладиган макропруденциал инструментлар – **Кредит миқдорининг сотиб олинаётган актив қийматига нисбати (*Loan-to-value ratio*)** ҳамда **Кредит тўловининг даромадга нисбати (*Payment-to-income ratio*)** кўрсаткичлари бўйича меъёрий чекловлар жорий қилиш ҳисобланади.

Ушбу меъёрий чекловларни жорий қилишдан кўзланган бош мақсад аҳолининг кредит олиш жараёнида кредитни қайтаришнинг манбаси ҳисобланган шахсий даромад ёки гаров таъминотига нисбатан меъёрий чекловлар ўрнатиш орқали аҳолининг кредит олиш имкониятларига таъсир ўтказишдан иборат бўлиб, улардан аҳолининг кредит маблағларига бўлган талабини жиловлашда фойдаланилади.

**Кредит миқдорининг сотиб олинаётган актив қийматига нисбати (*Loan-to-value ratio*) бўйича меъёрий чеклов.** Мазкур макропруденциал инструмент жисмоний шахслар томонидан кредит маблағлари ҳисобига олинаётган ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли кредит шартномасида кредит таъминоти бўлиб хизмат қиладиган мол-мулк, асосан уй-жой ва автомашина қийматининг қанча қисми (фоизи) кредит таъминоти сифатида ҳисобга олиниши мумкинлигини белгилайди.

Бошқача қилиб айтганда, бундай инструментнинг жорий қилиниши тегишли мол-мулк қийматининг фақатгина бир қисмининг кредит таъминоти сифатида ҳисобга олинишини, кредит таъминотининг қолган қисми эса кредит олувчи шахснинг банкдаги омонатлари ва бошқа активлари ҳисобига қопланишини назарда тутди.

Ушбу макропруденциал инструментнинг қуйидаги хусусиятларининг аҳоли кредит юкининг ўсиши ва кредит мажбуриятларини сўндириш борасидаги хатарларни камайтиришга хизмат қилиши кенг эътироф қилинади:

- кредит олаётган шахсларнинг банкдаги омонатлари ва бошқа активларини гаров таъминоти сифатида жалб қилиниши кредит олувчиларнинг **кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлашдаги масъулиятини оширади;**

- ипотека кредит маблағлари ҳисобига олинаётган ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли кредит шартномасида кредит таъминоти бўлиб хизмат қиладиган **уй-жой объектлари бозор нархидаги кескин ўзгаришлардан келиб чиқадиган кредит хатарларини камайтиради;**

- кредит маблағлари ҳисобига уй-жой ва автомашиналар харид қилиш бўйича спекулятив талаб шаклланишининг олдини олишга хизмат қиладди;

- уй-жой ва автомашина каби юқори қийматли мол-мулкларни харид қилиш учун **кредит маблағларининг устувор равишда банк омонатларига эга шахсларга ажратилиши аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишини рағбатлантиради.**

**Халқаро валюта жамғармасининг Глобал макропруденциал сиёсат инструментлари базасида**<sup>7</sup> келтирилган маълумотларга кўра, бугунги кунда Кредит миқдорининг сотиб олинаётган актив қийматига нисбати (*Loan-to-value ratio*) бўйича меъёрий чекловлар жаҳоннинг **47** мамлакатида жорий қилинган бўлиб, меъёрий чеклов асосан **70-80** фоиз миқдорда ўрнатилган.

Бошқача қилиб айтганда, кредит маблағлари ҳисобига мол-мулк харид қилишда тегишли мол-мулк қийматининг 70-80 фоизини кредит

---

<sup>7</sup> ХВЖнинг Глобал макропруденциал сиёсат инструментлари базасида ХВЖ томонидан аъзо мамлакатларда (133 та мамлакатда) 17 та макропруденциал сиёсат инструментларини қўллаш амалиёти юзасидан ўтказиладиган сўров натижаларини акс эттирилади.

таъминоти сифатида ҳисобга олишга рухсат берилади. Гаров таъминотининг қолган 20-30 фоизи кредит олувчининг банкдаги омонатлари ёки бошқа активлари ҳисобига қопланади.

Ушбу меъёрий чеклов кредитнинг қайси валютада ва қандай мақсадларга ажратилишига боғлиқ равишда Россияда 60-85 фоиз, Грузияда 75-90 фоиз, Полшада 70-90 фоиз, Жанубий Кореяда 40-70 фоиз, Венгрияда 45-80 фоиз, Руминияда 70-80 фоиз ва Малайзияда эса 60-75 фоиз миқдорда белгиланган. Бунда, халқаро амалиётда Кредит миқдорининг сотиб олинаётган актив қийматига нисбати бўйича меъёрий чекловни фақатгина банкнинг кўп йиллик кредит тарихига эга ишончли мижозлари учун 80 фоиздан юқори белгилаш тавсия қилинади.

**Кредит тўловининг даромадга нисбати (*Payment-to-income ratio*) бўйича меъёрий чеклов.** Мазкур меъёрий чеклов доирасида муайян шахс бўйича Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи ушбу шахснинг барча мавжуд кредит мажбуриятлари ҳамда ажратилиши кўриб чиқиладиган янги кредит бўйича мажбуриятларни умумлаштирган ҳолда ҳисобланади ҳамда белгиланган меъёрий чекловга солиштирган ҳолда кредит ажратиш юзасидан қарор қабул қилинади. Бунда, ушбу меъёрий чеклов гаров таъминоти билан кафолатланган ва кафолатланмаган кредитларга нисбатан турлича жорий қилиниши мумкин.

Бугунги кунда, аҳоли кредит юки ўсишини жиловлаш мақсадида Кредит тўловининг даромадга нисбати бўйича меъёрий чеклов **36 та** мамлакатда жорий қилинган бўлиб, асосан **50** фоизгача (*ойлик кредит тўлови миқдори кредит олувчи жисмоний шахснинг ойлик даромадининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги талаб қилинади*) бўлган миқдорда белгиланган. Жумладан, ушбу кредит юки кўрсаткичи бўйича меъёрий чеклов Беларусда 40 фоиз, Қозоғистон, Руминия, Латвия, Словения, Словакия, Польша, Эстония ва Украинада 50 фоиз ҳамда Жанубий Кореяда 40-65 фоиз (*кредит туридан келиб чиққан ҳолда*) миқдорида белгиланган.

Шунингдек, айти вақтда Россия Марказий банки томонидан ҳам аҳолининг банк кредитлари бўйича мажбуриятлари ўсишини мўътадиллаштириш мақсадида кафолатланмаган кредитларга нисбатан Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичининг юқори

чегаравий меъёрини 50 фоиз миқдорда белгилаш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Кредит тўловининг даромадга нисбати бўйича меъёрий чекловнинг жорий қилиниши аҳолининг кредит мажбуриятлари ўсишини жиловлаш билан бир қаторда, **аҳоли даромадларининг легаллаштирилишини рағбатлантиради**. Бунда, Кредит тўловининг даромадга нисбати бўйича меъёрий чекловнинг жорий қилиниши автоматик равишда аҳолига ажратиладиган барча кредитларнинг фақатгина расмий даромадга эга бўлган шахсларга ажратилишини таъминлайди ва шу орқали аҳолини ўз даромадини легаллаштиришдаги манфаатдорлигини оширади.

Таъкидлаш жоизки, қатор халқаро тадқиқотлар, шу жумладан Халқаро валюта жамғармаси томонидан 34<sup>8</sup> та ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар юқоридаги макропруденциал инструментларнинг жорий қилиниши тегишли давлатларда аҳоли кредит мажбуриятларининг ўсишини мўътадиллаштириш ҳамда кредит қарздорлигини сўндириш борасидаги муаммоларнинг сезиларли даражада камайишига хизмат қилганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, халқаро амалиётда аҳоли кредит мажбуриятлари ўсишини жиловлаш ҳамда аҳоли кредит юкининг ошиши билан боғлиқ хатарларни бартараф қилиш (пасайтириш) мақсадида аҳолига ажратиладиган кредитларга (ёки алоҳида кредит турларига) нисбатан тегишли **резерв талабларини қатъийлаштириш** ва **кредит муддатларининг юқори чегараларини белгилаш** каби инструментлардан ҳам фойдаланилмоқда.

---

<sup>8</sup> International Monetary Fund country Report No. 18/41, February 2018

## V. Хулоса ва таклифлар

Мазкур таҳлил доирасида олинган натижалар, айти вақтда республикамизда аҳоли банк кредитлари бўйича қарз юки кўрсаткичлари халқаро амалиётда тавсия қилинган меъёрий кўрсаткичлардан пастлигини ҳамда аҳолининг кредит мажбуриятлари ўсиши билан боғлиқ хатарлар, умуман олганда, мўтадил даражада шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, аҳоли кредит юкининг макро даражадаги, яъни республика бўйича умумлаштирилган маълумотлар асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар 2019 йилнинг I ярим йиллигида халқаро амалиётда кредит юки даражасини баҳолашда кенг қўлланиладиган кўрсаткичлардан бири бўлган **Кредит тўловининг даромадга нисбати (Payment-to-income ratio)** кўрсаткичининг республика аҳолисининг кредит мажбуриятлари бўйича **34,7** фоизни ташкил қилишини кўрсатди.

Бошқача қилиб айтганда, 2019 йилнинг I ярим йиллигида банк кредитлари бўйича қарздорлиги мавжуд фуқаролар томонидан, ўрта ҳисобда, бир ойда иш ҳақи шаклидаги даромадининг 34,7 фоизи банк кредити бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини тўлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон бўйича ҳисобланган мазкур кредит юки кўрсаткичи халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрдан (50 фоиз), шунингдек аксарият ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан МДХ давлатларида шаклланган аҳоли қарз юки кўрсаткичидан анчайин паст ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳисоб-китобларга кўра юқоридаги кредит юки кўрсаткичи 2018 йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада – **5,3 фоиз** бандга ошган бўлиб, бу эса, ўз навбатида, аҳоли кредит юки келгусида ҳам бундай юқори суръатларда ўсиб борган тақдирда, бу ҳолат кредит қарздорлиги мавжуд аҳоли муайян қисмининг молиявий ҳолати ёмонлашишига ҳамда банк кредитлари қайтарилиши билан боғлиқ хатарларнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Аҳоли кредит юкини баҳолашда қўлланиладиган муқобил кўрсаткичлар – **Қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичи (Debt-Service-Ratio)** ва **Қарз мажбуриятларининг ЯИМга нисбати кўрсаткичи (Debt-to-GDP)** асосида амалга оширилган таҳлиллар ҳам

мазкур кредит юки кўрсаткичларининг мос равишда **9,6 фоиз** (чегаравий меъёр – 20-25 фоиз) ва **6,9 фоизни** (чегаравий меъёр – 60 фоиз) ташкил қилган ҳолда халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрлардан ҳамда бошқа кўплаб ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан аксарият МДХ давлатларида шаклланган аҳоли кредит юки кўрсаткичларидан анча паст шаклланганлигини тасдиқламоқда.

Республикада аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юкининг бундай нисбатан паст шаклланганлиги асосан тижорат банкларининг кредит хизматларидан фойдаланаётган аҳоли улушининг бошқа ривожланаётган давлатлардагидан анча камлиги билан изоҳланади.

Хусусан, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига республикада кредит мажбурияти мавжуд жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига улуши **13,1** фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич Россияда **55,5** фоизни, Қозоғистонда **55,0** фоизни, Грузияда **70,0** фоизни ва Беларусда **75,8** фоизни ташкил этади. Бунда, бир қарздорга тўғри келадиган амалдаги кредит шартномалари сони Ўзбекистонда **1,1** тани ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич Россияда **1,7** тани ва Қозоғистонда **1,8** тани ташкил қилади.

Шунингдек, мазкур таҳлил доирасида аҳоли кредит юкини янада аниқроқ баҳолаш мақсадида мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган барча тижорат банклари филиаллари томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида аҳолига ажратилган кредитлар бўйича жами **150 мингдан** ортиқ кредит шартномалари бўйича маълумотлар ўрганилди. Шундан **47,5** фоизини истеъмол кредитлари, **25,8** фоизини микроқарзлар, **15,7** фоизини автокредитлар ҳамда **11** фоизини ипотека кредитлари ташкил қилади.

Бунда, аҳолига бошқа мақсадлар учун ажратилган кредитлар, уларнинг асосий қисмини доимий (расмий) даромадга эга бўлмаган шахсларга ажратилган “Ҳар бир оила тадбиркор” ва бошқа аҳолининг тадбиркорлигини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ажратилган кредитлар ташкил қилиши ҳамда бундай кредитлар бўйича кредит юкини баҳолаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, мазкур таҳлил билан қамраб олинмаган.



Юқоридаги ихтиёрий танлаб олинган кредит шартномаларига оид маълумотлар асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳам республикамизда аҳоли кредит юкининг (Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи бўйича) **42,7** фоизни ташкил этган ҳолда, халқаро амалиётда тавсия қилинган чегаравий меъёрдан (50 фоиз) паст шаклланганлигини кўрсатди.

Бироқ, кредит юки кўрсаткичи кредит турлари бўйича қаралганда, автокредитлар бўйича 60,4 фоизни, ипотека кредитлари бўйича 53,4 фоизни ташкил қилган ҳолда чегаравий меъёрдан юқори бўлса, истеъмол кредитлари ва микроқарзлар бўйича нисбатан паст шаклланган бўлиб, мос равишда 36,7 фоизни ва 43,9 фоизни ташкил этади.

Ҳудудлар кесимида аҳоли кредит юки кредит турлари бўйича қаралганда унинг чегаравий меъёрдан анча юқори даражаси ипотека кредитлари бўйича Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳамда автокредитлар бўйича Қашқадарё, Наманган, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида кузатилмоқда.

Шу билан бирга, истеъмол кредитлари ва микроқарзлар бўйича кредит юки кўрсаткичларининг Андижон, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида халқаро амалиётда тавсия этилган чегаравий меъёрдан баланд шаклланганлигини айтиб ўтиш зарур.

Бундан ташқари, мазкур таҳлил доирасида кўриб чиқилган жами кредит шартномаларининг 35,3 фоизида, шу жумладан автокредит шартномаларининг 67,3 фоизида, ипотека кредит шартномаларининг 55,4 фоизида, микроқарз шартномаларининг 36,7 фоизида ва истеъмол кредити шартномаларининг 24,8 фоизида кредит юки чегаравий меъёрдан баландлиги таҳлил қилинган кредит шартномаларининг катта қисмида кредит хатари нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳудудлар кесимида қаралганда кредит юки чегаравий меъёрдан юқори бўлган кредит шартномалари улуши Қашқадарё (61,7 фоиз), Андижон (52 фоиз), Сирдарё (49,3 фоиз) Жиззах (44,1 фоиз) ва Сурхондарё (40 фоиз) вилоятларида айниқса юқори шаклланган.

Таъкидлаш жоизки, аҳолини кредитлаш борасидаги 2018 йил ва 2019 йилнинг I ярим йиллигида кузатилган юқори ўсиш тенденцияларининг сақланиб қолиши, шу жумладан аҳоли кредит

мажбуриятларининг даромадларига нисбатан жадалроқ ўсиб бориши ҳамда аҳолига ажратилган кредитлар таркибида кредит юки даражаси чегаравий меъёрдан юқори бўлган кредитлар улушининг ошиб бориши келгусида аҳолига ажратилган кредитлар бўйича муаммоли кредитлар улушининг сезиларли ошишига ҳамда аҳоли муайян қисмининг молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Ўз навбатида, чакана банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари сезиларли даражада ошган ва нисбатан юқори даражада сақланиб қолаётган шароитда етарли даражадаги даромадга эга бўлмасдан, кредитга олинаётган мол-мулкни гаровга қўйиб, кредит олиш ҳолатларининг ортиб бораётганлиги айниқса ташвишланарли ҳолат бўлиб, аҳолининг уй-жой, автотранспорт воситалари ва бошқа узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товар ва жиҳозларга талабининг юқорилиги ҳисобига, тегишли макропруденциал чора-тадбирлар жорий қилинмаган тақдирда, келгусида аҳоли кредит юки ўсиши билан боғлиқ хатарлар янада кучайиб кетиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, республикамызда аҳоли кредит юки ўсишини тартибга солиш ва тегишли кредит хатарларини камайтириш мақсадида бугунги кунда халқаро миқёсда марказий банклар томонидан кенг қўлланилаётган, бироқ мамлакатимизда жорий қилинмаган, юқори самарали макропруденциал инструментлар – **Кредит миқдорининг сотиб олинаётган актив қийматига нисбати (Loan-to-value ratio)** ҳамда **Кредит тўловининг даромадга нисбати (Payment-to-income ratio)** кўрсаткичлари бўйича меъёрий чекловлар жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур меъёрий чекловларни жорий қилишдан кўзланган бош мақсад аҳолининг кредит олиш жараёнида кредитни қайтаришнинг манбаси ҳисобланган шахсий даромад ёки гаров таъминотига нисбатан меъёрий чекловлар ўрнатиш орқали аҳолининг кредит олиш имкониятларига таъсир ўтказишдан иборат бўлиб, улардан аҳолининг кредит маблағларига бўлган талабини жиловлашда фойдаланилади.

Хусусан, Халқаро валюта жамғармасининг Глобал макропруденциал сиёсат инструментлари базаси маълумотларига кўра **Кредит миқдорининг сотиб олинаётган актив қийматига нисбати (Loan-to-value ratio)** бўйича меъёрий чеклов бугунги кунда жаҳоннинг 47 мамлакатада жорий қилинган бўлиб, меъёрий чеклов

асосан 70-80 фоиз миқдорда ўрнатилган. Бошқача қилиб айтганда, кредит маблағлари ҳисобига мол-мулк харид қилишда тегишли мол-мулк қийматининг 70-80 фоизини кредит таъминоти сифатида ҳисобга олишга рухсат берилади. Гаров таъминотининг қолган 20-30 фоизи кредит олувчининг банкдаги омонатлари ёки бошқа активлари ҳисобига қопланади.

Халқаро тажриба, ушбу макропруденциал инструментнинг кредит олувчиларнинг кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлашдаги масъулиятини оширишга, кредит маблағлари ҳисобига уй-жой ва автомашиналар харид қилиш бўйича спекулятив талаб шаклланишининг олдини олишга ҳамда уй-жой ва бошқа юқори қийматли мол-мулкни харид қилиш учун кредит маблағларининг устувор равишда банк омонатларига эга шахсларга ажратилиши орқали аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишини рағбатлантиришга хизмат қилишини кўрсатмоқда.

**Кредит тўловининг даромадга нисбати (Payment-to-income ratio) бўйича меъёрий чеклов** бугунги кунда жаҳоннинг 36 та мамлакатада жорий қилинган бўлиб, асосан 50 фоизгача (ойлик кредит тўлови миқдори кредит олувчи жисмоний шахснинг ойлик даромадининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги талаб қилинади) бўлган миқдорда белгиланган. Бунда, ушбу меъёрий чеклов гаров таъминоти билан кафолатланган ва кафолатланмаган кредитларга нисбатан турлича жорий қилиниши мумкин.

Кредит тўловининг даромадга нисбати бўйича меъёрий чекловнинг жорий қилиниши аҳолининг кредит олиш имкониятларининг уларнинг даромадларига бевосита ва қатъий боғлиқлигини таъминлаш орқали кредит мажбуриятлари ўсишини жиловлашга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур макропруденциал инструмент аҳолига ажратиладиган барча кредитларнинг фақатгина расмий даромадга эга бўлган шахсларга ажратилишини талаб қилиши ҳисобига аҳолининг ўз даромадларини легаллаштиришдаги манфаатдорлигини ошириб, аҳоли даромадларининг легаллаштирилишини рағбатлантиришга хизмат қилиши кенг эътироф этилади.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2019

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

E-mail: [xolmurodov@cbu.uz](mailto:xolmurodov@cbu.uz)

Тел: (+998) 71 212-60-09